



**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ
ХУЗУРИДАГИ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ
ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚА ИНСТИТУТЛАРИНИ
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМОАТ ФОНДИ**

“28” июнь 2024 йил

№ 11/10

Навоий шахри

Навоий вилояти
ҳокимлигига

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиклигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сонли Фармони ижроси юзасидан давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини, ахборот олиш эркинлигини таъминлаш орқали жамоатчилик назоратини такомиллаштириш, шунингдек, 2012-2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг таракқиёт стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши ҳузуридаги Ижтимоий шерикчилик бўйича жамоат Комиссияси ҳамда ННТларни ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан 2023-2024 йилларда амалга оширилган ишлар тўғрисида

Ҳ И С О Б О Т

2023 йилда Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг Ижтимоий шерикчилик бўйича жамоат комиссияси томонидан тасдиқланган Дастурига мувофиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг мамлакатда демократик ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация қилиш ва жамиятни эркинлаштиришдаги фаол иштирокни қўллаб-қувватлаш борасида изчил ва тизимли ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 мартдаги “Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолияти эркинлиги, ҳуқуқлари ва қонуний манафаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5012-сонли Қарори 12-банди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 мартдаги “2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6181-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида, халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг тегишли қарорига мувофиқ, Нодавлат нотижорат

ташкilotлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат томонидан давлат ижтимоий буюртмаси, давлат субсидияси, давлат гранти кўринишида қўллаб-қувватлаш учун 4 616 600 000 сўм, маблағлари ажратилди.

Қонунчилик нормаларига асосан, вилоят Жамоат фондига **2023 йилда ажратилган 4 616 600 000 сўм** пул маблағлари қуйдагича тақсимланди:

Жамоат фонди учун - 209 739 000 сўм ёки жами маблағнинг 5 %;

Давлат гранти учун – 737 600 000 сўм ёки жами маблағнинг 32 %;

Давлат субсидияси учун – 4 616 600 000 сўм ёки жами маблағнинг 78 %;

Жамоат комиссиясининг қарорлари билан 2023 йилларда вазифалар ва дастурлар босқичма-босқич ижроси таъминланди. Унга кўра, давлат субсидиялари ва давлат грантлари ажратишнинг, давлат ижтимоий буюртманомаларини жойлаштиришнинг асосий мавзулари ва йўналишлари, мақсад, вазифалари, шартлари ва муддатлари ҳамда уларга ажратилган маблағлар миқдорлари тасдиқланди.

Ҳисобот даврида муҳим ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат грантларини ажратиш учун 2023 йил 5 та танлов ўтказилди. Мазкур танловларда ғолиб бўлган 37 нафар ғолибларга жами 1 125 000 млн сўм грант маблағлари ажратиб берилди.

2023 йил 27 июль куни Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши ҳузуридаги Ижтимоий шерикчилик бўйича жамоат Комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди. Унда вилоятимизда нодавлат ва жамоат ташкilotлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат грантлари ва ижтимоий буюртмалари ва субсидиялари орқали амалга оширилаётган ишлар ҳамда мазкур йўналишда ижтимоий масалаларнинг ҳал этилиши, шунингдек, жамиятда нодавлат секторнинг ролини ошириб борилиши билан боғлиқ ҳолатни ўрганиб, таҳлил қилинди.

Йиғилишда жамоат комиссияси ва Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши ҳузуридаги жамоат Фондининг ўтган 5 йиллик фаолияти таҳлил қилиниб, маҳаллий бюджетдан ажратилган маблағларни мақсадли ва манзилли сарфланиши, давлат ижтимоий буюртмаси ва грантлари натижаси ва самаралари ҳамда нодавлат нотижорат ташкilotлари ва миллий маданий марказлар фаолиятида дуч келаётган муаммолар ўрганиш ва уларни биргаликда бартараф этиш бўйича амалий ёрдамлар кўрсатиш юзасидан фикр алмашилди, вилоят жамоат Фондидан субсидия олаётган жамоат ташкilotларининг ҳисоботлари тингланди.

2023 йил июль-август ойларида вилоят Ижтимоий шерикчилик комиссияси аъзолари, вилоят жамоат Фонди вакиллари иштирокида жойларда ажратилган давлат гранти маблағлари ҳисобига амалга оширилган ишлар билан яқиндан танишилди.

2023 йил август ойида 2022 йилда грант танлови ғолибларининг ҳисоботлари вилоят Адлия бошқармаси ва вилоят жамоат Фонди масъуллари, молия органлари мутахассислари иштирокида ўрганилиб, грант лойиҳалари муддати тугаган 9 та ННТларнинг грант маблағлари ишлатилиши юзасидан тегишли далолатномалар расмийлаштирилди, тегишли камчиликларни бартараф этиш юзасидан кўрсатма ва тавсиялар берилди.

2023 йил 6 сентябрь куни вилоят ҳокимлиги мажлислар залида Олий Мажлис ҳузуридаги Парламент комиссияси билан видео алоқа кўринишида онлайн йиғилиш ўтказилиб, “Ижтимоий шерикчилик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан Навоий вилоятидан 2024 йил режаси учун тақдим этилган 9 та ижтимоий буюртма танлови учун таклифларнинг муҳокамаси ўтказилиб, вилоят

Табиат ресурслари бошқармасининг 2 та, Навбаҳор тумани ҳокимлигининг 1 та, Мактабгача ва мактаб бошқармасининг 1 та Олий таълим ва инновациялар бошқармасининг 1 та, вилоят Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармасининг 1 та, вилоят телерадиокмпаниясининг 1 та, вилоят ҳокимлиги “Дўстлик байроғи” газетасининг 1 та, Навоий вилояти Туризм ва маданий мерос бошқармасининг 1 та ижтимоий буюртма лойихаси бўйича таклифлари муваффақиятли ҳимоя қилинди.

2023 йилнинг ўтган даврида Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиясининг 6 та йиғилиши ўтказилди. Уларда “Учинчи сектор” субъектларининг фаолиятига доир жамиятда ижтимоий шерикликни кучайтириш билан боғлиқ **30 дан ортиқ долзарб масалалар кўриб чиқилди.**

Турли йўналишларда 24 маротаба турли тарғибот тадбирлар ўтказилиб, уларда 1500 дан ортиқ киши иштирок этди. Далат гранти лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида босма ва электрон ОАВда 52 маротаба ёритилди.


Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши ҳузуридаги ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича жамоат Фондининг 2023 йилдаги йиллик фаолияти тўғрисида вилоят жамоат Фонди директори Х.Жумаев ҳисоботи тингланиб, жамоат Комиссиясининг 01/01/23-сонли қарори қабул қилинди.

2024 йил 1-15 февраль кунлари Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши ҳузуридаги жамоат Фонди Тафтиш комиссияси томонидан жамоат фондининг 2023 йил молия-хўжалик фаолияти текшируви ўтказилиб, 2024 йил 27 февралдаги жамоат Комиссиясининг навбатдаги 24-йиғилишида Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши ҳузуридаги ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича жамоат Фондининг 2023 йилдаги йиллик фаолияти бўйича Назорат тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Вилоят телевидениеси томонидан 2024 йил 1 мартда ёритилди.

Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши ҳузуридаги жамоат Фонди томонидан 2023 йилда молиялаштирилган грант лойиҳаларидан 4 таси мониторингдан ўтказилди.

Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши ҳузуридаги жамоат Комиссияси ҳамда жамоат Фонди ҳамда жамоат Комиссиясининг 2023 йил давомида олиб борган фаолияти ўтказилган йиғилишда кўрилган масалалар вилоят телевидениеси томонидан тўлиқ ёритилди, ОАВда 5 та чиқиш қилинди. 2023 йилда вилоят жамоат Фонди томонидан тақдим этилган грант лойиҳалари доирасида ОАВда 14 маротаба, ижтимоий тармоқларда 74 маротаба чиқишлар қилинди. Жумладан, Навоий вилояти “Ноила” ИКХТМ маркази томонидан Республика “Истеъмолчи” газетасида, Навоий шаҳридаги “Дўстлик байроғи”, Томди туманининг “Томди шраугери” газеталарида 3 маротаба чиқишлар қилинган

Вилоят жамоат
фонди директори

 Х.Жумаев